

Ақийда дарслари (199-дарс) Фаришталарнинг вазифалари (иккинчи мақола)



00:00 / 06.09.2022 4322

5. Фаришталарга одамларнинг ишларини кузатиб, амалларини ёзиб бориш вазифаси юкланган.

Аллоҳ таоло Қоф сурасида:

﴿۱۷﴾ فَعَيْنُهُ السَّمَالُ وَعَنْ الْيَمِينِ عَنِ الْمُنَافِقِينَ يُتْلَىٰ إِذْ

﴿۱۸﴾ عَتِدَ رَقِيبٌ لَدَيْهِ إِلَّا قَوْلًا مِّنْ يَلْفُظُ مَا

«Икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олганда бирор сўз талаффуз қилмас, илло ҳузурида ҳозир нозир

борлар», деган (17-18-оятлар).

Демак, инсоннинг икки тарафида икки фаришта жойлашган ва улар инсоннинг ҳар бир амали ва сўзларини кутиб оладилар. Оятда уларни «икки кутиб олувчи», деб айтилмоқда.

«Икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олганда...» Мазкур фаришталар содир бўлган барча ҳодисаларни ёзиб боришга вакил қилинганлар.

«...бирор сўз талаффуз қилмас, илло ҳузурида ҳозир у нозир борлар».

Биз «ҳозир у нозир» деб таржима қилган икки фариштанing арабча номи «Рақиб» ва «Атийд»дир. Инсоннинг оғзидан чиққан битта лафз ҳам уларнинг назарларидан четда қолмайди. Улар ҳамини ҳозир у нозирдирлар, дарров ёзиб қўядилар.

Таъкидлаш лозимки, Аллоҳ таоло бандасининг амалларини ҳисоб-китоб қилишда бу икки фариштанing ишига муҳтож эмас. Ўзи ҳамма нарсани комил илми ила билиб туради. Ҳаттоки аввалги оятларда айтилганидек, одамнинг хаёлидан ўтган нарсаларни ҳам билади. Мазкур фаришталар ёзиб боришининг бошқа ҳикмати бор: қиёмат куни инсонга ҳужжат сифатида кўрсатиладиган номаи аъмол ушбу фаришталар ёзган ёзувлар бўлади. Бунга иймон келтириш эса ҳар бир банданинг кўпроқ яхшилиқ қилишига, ёмонликдан янада кўпроқ четланишига сабаб бўлади.

Ушбу мавзуда кўплаб ривоятлар келган, шулардан баъзилари билан танишиб чиқсак, тушунчаларимиз мукамалроқ бўлади.

Али ибн Абу Толҳа Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилади: «У зот «Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир у нозир борлар» ояти ҳақида бундай деганлар: «Ҳар бир яхши-ёмон гапи ёзиб борилади. Ҳаттоки «едим», «ичдим», «бордим», «келдим», «кўрдим» кабилар ҳам. Пайшанба куни унинг иши ва гапи арз қилинади, яхшилиги, ёмонлиги бори қолдирилиб, қолгани ташлаб юборилади».

Имом Ҳасан Басрий «...ўнгда ва чапда ўтирган ҳолда» оятини ўқиб туриб, «Эй одам боласи, сенинг саҳифанг очилди, икки ҳурматли фаришта сенга вакил қилинди, биттаси ўнг тарафингдаги яхшиликларингни ёзади, иккинчиси чап тарафингдаги ёмонликларингни ёзади, нимани хоҳласанг қилавер, озми, кўпми. Вафот этганинда, саҳифанг беркитилади, қабрингда бўйнингга осиб қўйилади. Қиёмат куни шундай ҳолда қабрингдан чиқасан...» деган эканлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўлим тўшагида инграб ётганларида, Товус розияллоҳу анҳудан: «Фаришта ҳар бир нарсани, ҳатто инграшни ҳам ёзади», деган ривоятни эшитибдилар-у, дарҳол инграшни тарк этиб, шу билан то жон таслим қилгунларича инграмаган эканлар.

б. Фаришталарга инсонни доимий равишда муҳофаза қилиб юриш вазифаси ҳам юкланган.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида:

مِنْ دُونِهِمْ مَنْ لَهُمْ وَمَا لَهُمْ مَرَدٌ فَلَا سُوءَ يَقْوَمِ اللَّهُ أَرَادَ وَإِذَا بِأَنْفُسِهِمْ مَا يُغَيِّرُوا حَقَّ يَقْوَمِ مَا يُغَيِّرُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ أَمْرٍ مِنْ يَحْفَظُونَهُ خَلْفَهُ. وَمَنْ يَدَيْهِ بَيْنَ مِنْ مَعْبُوتٍ لَهُ.

﴿۱۱﴾ وَال

«Унинг олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчилар бор. Уни Аллоҳнинг амри ила муҳофаза қилиб турурлар», деган (11-оят).

Ҳар бир одам боласининг «олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчилар бор».

Яъни унинг ҳар тарафида кузатиб юрувчи фаришталар мавжуд. Ушбу фаришталар ҳақида имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Улар сизлар учун алмашиб, кетма-кет келиб турадилар. Кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар келади. Улар бомдод ва аср намозида жам бўладилар. Аллоҳнинг ҳузурига сиз билан тунни ўтказувчилар кўтарилганларида, улардан Ўзи сизларнинг ҳолингизни жуда яхши билса ҳам: «Бандаларимни қайси ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўрайди.

Фаришталар: «Уларнинг ҳузурига борганимизда, намоз ўқиётган эканлар, уларни тарк қилганимизда ҳам намоз ўқишаётган эди», дейишади».

Бошқа бир ҳадисда эса:

«Албатта, сиз билан бирга сизни хало ва жимоъ пайтидан бошқа вақтда тарк этмайдиган зотлар бор. Бас, улардан ҳаё қилинглари ва уларни ҳурмат этинглари», дейилган.

Мазкур фаришталарнинг вазифаларини ояти кариманинг кейинги жумласи баён қилади:

«Уни Аллоҳнинг амри ила муҳофаза қилиб турурлар».

Яъни ўша фаришталар у бандани Аллоҳнинг амри ила ҳифз қилиб турурлар. Ушбу жумладаги «ҳифз» сўзи «сақлаш» ва «ёдлаб, эслаб қолиш» маъноларини билдиради. Бандага бириктирилган фаришталар ушбу икки ишни бажарадилар. Яъни бандани турли ёмонликлардан сақлаб турадилар ҳамда қилаётган амалларини ёзиб, ёдда сақлаб борадилар.

Ушбу оят ва ҳадисларга ҳамда шу маънодаги яна бошқа ҳужжатларга суянган ҳолда уламоларимиз қуйидагиларни таъкидлайдилар:

Бандани турли ҳодиса ва ёмонликлардан ҳимоя этиш учун фаришталар навбат билан қўриқчилик қиладилар. Шунингдек, унинг амалларини ёзиб

бориш учун ҳам кечаю кундуз маълум фаришталар алмашиб турадилар. Иккитаси ўнг ва чап тарафда туриб, ўнг тарафда турган фаришта яхши амалларни, чап тарафда тургани гуноҳ амалларини ёзиб боради. Яна икки фаришта олд ва орқадан уни қўриқлаб турадилар. Демак, банда доимо тўрт фариштанинг ўртасида юради. Улар кундузи ва кечаси алмашиб туришади.

Аллоҳ, Ўзи юқорида зикр қилганидек, ҳамма нарсаларни, ҳатто бандалар учун ўта махфий бўлган ҳолатларни ҳам жуда аниқлик ила билиб туришига қарамай, ҳар бир бандага тўрттадан фариштани бириктириб қўйгандир. Улардан иккитаси банданинг ҳар бир қилган амалини ўша вақтнинг ўзидаёқ ёзиб қўяди. Бу ҳар бир бандага катта масъулият юклайди. Фаришталардан иккитасининг бандани қўриқлаб туриши эса Аллоҳ уни мукаррам қилганини кўрсатади. Демак, ҳар бир инсон ўша икромга лойиқ бўлиб, ўша масъулиятни ҳис этмоғи керак. Ўзини ўнглашга, тузатишга, Аллоҳнинг розилигини қозонтирадиган амалларни бажаришга уриниши лозим.

Аллоҳ таоло Анъом сурасида:

﴿يَفْرَطُونَ لَا وَهُمْ رَسُولُنَا تَوَفَّتْهُ الْمَوْتُ أَحَدَكُمْ جَاءَ إِذَا حَتَّى حَفَظَهُ عَلَيْكُمْ وَيُرْسِلُ عِبَادِهِ فَوْقَ الْقَاهِرُ وَهُوَ﴾

«У бандалари устидан мутлақ ғолибдир. У устингизга ҳафазаларини юборур», деган (61-оят).

Аллоҳ таоло доимо бандалари устидан ғолибдир, Ўз иродасини ўтказиб турувчидир.

«У бандалари устидан мутлақ ғолибдир».

Аллоҳ таоло ғолиблигидан бандаларининг ҳар бир ҳаракат ва саканотларини кузатиб, ҳисоб-китобини қилиб туради.

«У устингизга ҳафазаларини юборур».

«Ҳафаза» – ҳар бир инсонга бириктирилган фаришталарнинг номи бўлиб, улар қиладиган ишнинг маъносини англатади.

Биринчи маъно – муҳофаза қилиш, сақлаш маъноси бўлиб, ўша фаришталар ўзлари бириктирилган одамни муҳофаза қилиб турадилар.

Иккинчи маъно – ёд олиш маъноси бўлиб, мазкур фаришталар ўзлари бириктирилган инсоннинг ҳамма қилган иши ва айтган сўзларини ёдлаб боради.

Хулоса қилиб айтганда, инсон бир лаҳза ҳам Аллоҳ таолонинг кузатувидан четда қолмайди. Буни англаган инсон фақат яхшилик қилиб, доимо ёмонликдан четланади.

Давоми бор

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди